

Қиёмат зилзиласи



18:48 / 15.02.2018 7831

Эй одамлар! Роббингиздан қўрқинг! Албатта, Соат (қиёмат) зилзиласи улкан нарсадир.

Ушбу ояти каримадаги хитоб барча одамларга қаратилгандир. Оятда ҳамма одамларни Аллоҳ таолодан қўрқишга, тақво қилишга чақириқ ўз аксини топгандир. Агар Аллоҳдан қўрқмайдиган бўлсалар, билиб қўйсинлар:

«Албатта, Соат (қиёмат) зилзиласи улкан нарсадир».

Яъни қиёмат бошланганидан дарак берувчи зилзила жуда даҳшатли, хавфли ҳодисадир. Ана ўшанда иймонсизлар, Аллоҳга тақво қилмаганлар нима бўлишини кўрадилар.

«Ҳаж» Уни кўрадиган Кунингизда, ҳар бир эмизувчи эмизаётган нарсасини унутар. Ҳар бир ҳомиладор ҳомиласини ташлар. Одамларни маст ҳолда кўрарсан. Ҳолбуки, улар маст эмас. Лекин Аллоҳнинг азоби шиддатлидир.

Яъни қиёмат зилзиласи рўй берган Кунда

«Ҳар бир эмизувчи эмизаётган нарсасини унутар».

Маълумки, она ўзи эмизаётган боласига жуда боғлиқ бўлади. Ухлаб қолган онани момақалди роқ уйғота олмаслиги мумкин, лекин боласининг инграши дарҳол уйғотади. Эмизувчи она ҳамма нарсани унутса унутади, аммо боласини унутмайди. Лекин қиёмат зилзиласи шу қадар даҳшатлики, ҳатто эмизувчи аёл ҳам боласини унутади. Битта-иккитаси эмас, балки ҳаммаси, ҳар бир эмизикли аёл эмизадиган боласини унутиб қўяди.

«Ҳар бир ҳомиладор ҳомиласини ташлар».

Бу ҳам ўша зилзиланинг даҳшатидан рўй беради. Ҳомиладорнинг ҳомиласи тушиб қолиши учун у ниҳоятда қаттиқ қўрқиши керак. Бундай қўрқув қиёмат зилзиласидан юзага келади. Ўша вақтда

«Одамларни маст ҳолда кўрарсан. Ҳолбуки, улар маст эмас».

Бу ҳолат ҳам ўша зилзиланинг ғоятда даҳшатли эканига далолат қилади. Қаттиқ қўрққан одамлар ҳеч нарса ичмасдан туриб ҳам, эс-хушларини йўқотиб, худди маст одамларга ўхшаб қолишади. Чунки

«...Аллоҳнинг азоби шиддатлидир».

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

(Тафсири ҳилол китобидан)